



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 184 (9680).

1989 йил 29 сентябрь • жума •

Баҳоси 3 тийин.

«ХОСИЛ-89»

«ХОСИЛ-89»



ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
28 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(планта нисбатан процент ҳисобида).
Биринчи усту — районлар; иккинчи усту — бир кун-
да тайёрланган; учинчи усту — мавсум бошидан бўли;
тўртинчи усту — машина терими — бир кунлик; бешин-
чи усту — мавсум бошидан бўли.

Пискент	3,28	12,82	3,07	5,90
Чиноз	1,12	9,25	—	—
Бекобод	1,91	8,20	1,31	2,45
Оққўрғон	2,10	8,09	2,16	3,05
Бўка	1,66	6,58	1,60	3,02
Янгийўл	0,85	4,54	0,24	0,24
Ўрта Чирчиқ	2,16	3,67	2,21	3,79
Коммунистик	1,39	1,91	1,74	2,39
Ғалаба	0,25	0,25	0,14	0,14

Область бўйича: 1,69 6,32 1,46 2,49

ТЕРИЛГАН ПАХТАГА ҚЎШИМЧА ҲАҚ ЖОРИИ
ЭТИЛИШНИ ШАРҲЛАЙМИЗ

МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК МЕҲНАТГА ЯРАША БЎЛАДИ

1989 йилда пахта хом ашёсининг ҳарид нарҳига қў-
шимча ҳақ белгиланганлиги, 1990 йилда бу нархнинг яна-
да ошириш тўғрисида кўп гап бўлган. Бундан қўйиб
қўйиб мавсум пахтакорларнинг моддий манфаатдорлиги-
ни оширишди. Лекин бир қатор районларда, тўқаллик-
ларда пахтакорлар, механизаторлар бу янгиликнинг
моҳиятини ҳалигача тўла тушуниб етмагандилар. Ҳусу-
сан, бу масала област микросида қандай ҳал этилаёт-
ган, умуман 1989 йил — ҳосил йилининг терими даврида
теримчиларга, механизаторларга ва ҳашарчиларга қан-
дай ҳақ тўланади? Бизнинг област агрономат комите-
тининг қишлоқ хўжаликда меҳнатни ташкил этиш ва
иш ҳақи бўлимининг етакчи мутахассиси С. В. МЕЛЬНИ-
КОВА билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.


Светлана Викторовна, ав-
вало бу янгилик тўғрисида қў-
қироққ тушуна берсангиз!
— Ҳақиқатан ҳам, биринчи
навабда мазкур янгиликнинг
моҳияти тўғрисида одамларга
тўлиқ маълумот бериш керак.
Чуқки ҳалигача қўйилган дав-
лат пахтанинг ҳарид нарҳини
оширдик, деб юрибди. Йўқ, ун-
дай эмас. Пахтанинг ҳарид
нарҳи ошмади, балки хом ашё-
нинг ҳарид нарҳига қўшимча
ҳақ ақратилди. Бунинг тушу-
нлироқ бўлиши учун шундай
изохлаш мумкин: республика-
мида пахтакорларнинг мод-
дий манфаатдорлигини оши-
ришга кетадиган ҳаракатлар
учун ақратилган 370 миллион
сўм ҳисобига биринчи, ва ик-
кинчи нава пахта учун колхоз-
совхозларга 90 сўм, учинчи на-
ва хом ашёнинг ҳар тоннасига 60
сўм қўшимча ҳақ тўланади.
Худди шунингдек областимиз
районлари ва колхоз-совхоз-
ларига ҳам ана шундай қўшим-
ча ҳақ ақратилди.

Бу ақратилган қўшимча
ҳақдан самаралар фойдаланиш
учун қандай тадбирлар белги-
ланди?
— Ҳозир барча хўжалик-
ларда қўшимча ҳақ ҳисобидан
теримчиларга, механизаторлар-
га, умуман мавсумда фаолият
кўрсатадиган кишиларга уста-
ма ҳақ тўлаш юзасидан тад-
бирлар ишлаб чиқилмоқда.
Умуман қўшимча ҳақнинг ун-
дан икки қисmini бу йилги
йилнинг терими мавсумида ишти-
роқ этадиганларга иш ҳақи си-
фатида беришга қарор қилин-
ди.

Уз-ўзидан қўл терими иш-
тирокчиларига ва механизатор-
ларга бу йил қандай миқдор-
да ҳақ тўланади, деган савол
қўйилган бўлади.

Област агрономат комите-
ти юз берган азиятини, ақратил-
ган маблағнинг ҳисобига олиб,
бу йилги мавсумда қўл терими
иштирокчиларига ҳар кило-
грамм пахта учун 20 тийиндан,
машина теримида тоннасига би-
ринчи теримда 10 сўмдан 15
сўмгача, иккинчи теримда бун-
дан ҳам кўпроқ ҳақ тўлаш
юзасидан қарор қабул қилди
ва бу тавсияни районларга,
колхоз-совхозларга жўнатди.

Суҳбатни Ф. МУХИДДИ-
НОВ олиб борди.



ИЖАРАЧИЛАР ИШГА КИРИШДИЛАР

МАЪЛУМКИ, бир неча
йилдан бундан ўрта Чирчиқ
районидagi Ким Пен Ха
номли колхозда меҳнатни
ташқил этишнинг ижара пу-
рати усули дадил қўлланиб
келинмоқда. Янги усул меҳ-
нат унумдорлигини бир не-
ча баробар ошириш имкони-
ни берди. Бунинг пахтачи-
ликдаги самараси ҳам катта
бўлапти.

1989 йилда колхоз пахта-
корлари 805 гектар ердан
топшириладиган 2200 тонна
пахтанинг 100 фоизини тех-
ника ердамида йиғиб-териб
олишга аҳд қилишди. Бу-
нинг учун барча имконият-
лар бори 18 та пахта териш
машинаси мавсумда сифатли
созланган. Ҳар битта пахта-
чилик бригадасига иккита

дан машина бйркитилди.
Айни кунларда даласи пах-
та теримида етилган брига-
даларда машина терими бош-
лаб юборилди. Ўтган кунги
Холмирза Абдуқодиров бош-
чилик қилаётган бригаданинг
меҳнатчилари Олимжон
Ҳошимов ва Бекмурод Тош-
боев 14 тоннадан хом ашё
тўқди.

Энг муҳими колхозда ма-
шиналар қувватидан имкони
борича тўлиқ фойдаланиш
йўлида амалга оширилган
қўшимча тадбирлардир. Би-
ринчидан, теримда иштирок
этадиган механизаторлар ях-
ши тайёрланди. Иккинчидан,
энди машинанинг носозлиги
туфайли ерда тўқилган пах-
та пировардда уларнинг ўза-
ларига зарар бўлиши тушуни-

тирилди. Хуллас, ишга бо-
шлан пахта киришди. Шу
туфайли дастлабки тери-
мининг ўзидек ҳар гектар
ердан 25-26 центнердан «оқ
олтин» йиғиштириб олиноқ-
да. Қўшма бригада коллек-
тивлари дастлабки машина
терими ҳисобигаёқ йиллик
планларини бажаришни ре-
жалаб қўйишди. Ҳусусан,
Холмирза Абдуқодиров бош-
чилик бригада деҳқонлари 116
гектар ерининг ҳар гектари-
дан 27,5 центнер ўғинга 40
центнердан хирмон кўтариш-
моқчи. Далада шунга яраша
ҳосил, уни териб олиш учун
сифатли техника ва етарли
ишчи кучи мавжуддир.

М. ҲАЙДАРОВ.

Долзарб мавзуда суҳбат

Бу йилги жузда оғир пахта терими
мавсумида талабаларнинг ёрдамсиз иш қи-
либ бўлмаслиги маълум. Лекин энг муҳи-
ми ўтган йиллари йўл қўйилган ҳатоларни
такрорламасликда. Пахта теримида ҳисобот
учун эмас, балки ишлаш учун бориш керак.
Борганда ҳам фақат кўнгилли бўлиб бо-
риш керак. Яшаш учун қўлай шартно-
ви яратилиш, ишлаганга қараб адолатли ҳақ
тўланиш зарур.

СССР Министрлар Советининг август
ойида чиқарилган фармойишида худди
ана шу мақсад кўзда тутилган. Фармойиш-

да олий ўқув юрталарининг қишлоқ хў-
жалик ишларида қатнашчиларини ташқил
этиш ва уларнинг бу ишларда қанча му-
ддат бўлишлари қатъиян белгиланган бўлган.
Шу кунларда Ўзбекистон ССР Министр-
лар Совети, Узсавпроф ва Ўзбекистон
ЛКМ Марказий Комитети ўзининг бирга-
лиқдаги қарори билан «Олий ўқув юрталари
талабаларини, ўрта махсус ўқув юрталари
ва ҳунар-техника билим юрталари ўқувчилари-
ни қишлоқ хўжалик ишларида юбориш тар-
тиби ва шартлари тўғрисидаги қонданин
тасдиқлади.

Биз шу муносабат билан
В. И. Ленин номи Тошкент
давлат дорилфунунида бўлиб,
у ерда бир неча киши билан
суҳбатлашдик.

Ректор Ш. Алимов:

— Биз ҳозирдаёқ Сирдарё
областидagi уч совхоз: Усмоҳ
Юсупов, Ворошилов ва СССР
60 йиллиги номи совхозлар
билан шартнома туздик. Бу хў-
жаликларнинг ҳар бирига 800
талаба юборамиз.

— Бу гел қишлоқ хўжалик
ишларида кўнгилли равишда
борилди. Шунча одамни қа-
ердан оламиз, деб ташвиш
чекмаясизми?

— Ҳозир қўл талабалар пах-
та теримида қатнашишни ор-
заниб қўшмоқда. Бу айниқ-
са етиштирилган ҳосилнинг
қадрига етадиган пахтакор
деҳқонларимизнинг фарзанд-
ларига тааллуқли. Биз тўртин-
чи курсда ўқиётган талабалар-
ни пахтага тақдир эмасам, деб
ўйлагандик. Лекин кўпчилик бу
ишдан четдан қилишни иста-
маяпти. Пахта компаниясида
қатнашмасликка қақирликлар
янграб турган пайтда шундай
бўлапти. Бундан ташқари хў-
жаликлар тузилган шартнома-
га биноан биринчи кундан

бошлабқ териб олинган ҳар
бир килограмм хом ашё учун
20 тийиндан ҳақ тўлаш мажбу-
риятини олганлар, талабалари-

ихтиёрлиқ ҳақида илгари ҳам
қўл гапирилган эди. Очгини
айтадиган бўлсам, пахта тери-
мига боришни хоҳламаган та-

СЕССИЯ КУНДАЛИГИ



СССР Олий Совети тас-
диқлаган иш тартибига бино-
ан, 27 сентябрь кунги иккин-

чи сессия кун тартибидagi
масалалар юзасидан муноза-
ра мавлакат қонун чиқару-
чи олий орган комитетлари
ва комиссияларида бўлди.
Қўшма комитетлар ва ко-
миссияларнинг мажлисла-
рида 1990 йилда мамлакат
ни иқтисодий ва ижтимоий
ривожлантириш Давлат пла-
ни лойиҳалари ва шу йилги
Давлат бюджетни кўриб чи-
қилди.

Халқаро масалалар коми-
тети 1986 йилда Венадаги
учрашувда Европада хавф-
сизлик ва ҳамкорлик кенга-
ши қатнашчилари бўлган
давлатлар иштирокида эри-
шилган ахдномаларнинг
СССРда қандай амалга оши-
рилатганини таҳлил қилди.

гуманитар ҳамкорлик ва ин-
сон ҳуқуқларига оид совет
қонунларини Венада қабул
қилинган йилуловчи ҳужжат-
га мослаш юзасидан олиб
борилган ишни кўриб
чиқди.

Халқ депутатлари Совет-
лари иши, бошқариш ва ўз-
ўзини бошқаришни ривон-
лантириш масалалари коми-
тети мамлакат лани ва бюд-
жети лойиҳалари билан бир-
га маҳаллий ўз-ўзини бош-
қариш ва маҳаллий ҳўжа-
лининг умумий негизлари
тўғрисидаги қонун лойиҳала-
рини ҳам муҳокама қилди.

(ТАСС).

ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

МУАММОЛАРНИНГ ЎТКИРЛИГИНИ АНГЛАБ

● МОСКВА, 27 сентябрь.
ЎзТАГ махсус мухбири А.
Варанов хабар беради: 1990
йилги иқтисодий ва социал
ривожланиш планини, шу-
нингдек давлат бюджетини
муҳокама қилаётган СССР
Олий Советининг ишида қат-
нашаётган Ўзбекистонлик
СССР халқ депутатлари Ўз-
бекистон ваколатхонасида
Ўзбекистон ССР Министр-
лар Совети Раисининг ўрин-
босари, республика Госплани
раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўз-
бекистон ССР молия минис-
три Я. И. Маматисаев, халқ
хўжалиги бир қанча тармоқ-
ларининг Москвага келган
мутахассислари билан уч-
рашдилар.

Фикрлашув манфаатдор-
лик билан ва жуда қизгин
ўтди. Республикада долзарб
муаммолар аниқгина тўпла-
ниб қолган. Бу пахта ком-
плекси масалалари — яқна
зироатчиликни тўлатиш, пах-
та ҳосилининг харид нархи-
ни ошириш, экология му-
аммолари — Орол ва Орол
бўйини амалда кўтариш
йўллари, ишлаб чиқариш
корхоналарини оқилона жой-
лаштириш ва атроф муҳитни,
одамлар саломатлиги ишонч-
ли тарзда ҳимоя қилиниши-
ни таъминлаш, аҳолини иш-
га жойлаштириш системаси-
ни қайта қуриш, давлат уй-
жой қурилиш системасида со-
циал адолат муаммолари-
дир...

Депутатлар ҳукумат, мар-
казий давлат органлари ва
идораларида ўртага қўйил-
ган масалалар қандай ҳал
этилаётганини тўғрисида
батафсил ахборот олдилар.
Учрашувда баён этилган
умумий фикрга қўра, рес-
публика тақдир этган келгу-
си йил лани ва бюджетни
пакта ишлаган тақдирда
тақдирда бўлар эканмида
да сўзлашди. Ўзбекистон
аҳолиси турмушининг социал
шартноларини яхшилашга
эришиш учун яхши омиллар
ни вуқудда келтиради.

Халқ депутатлари бўлган
республика вакиллари Олий
Советда ўзларининг доимий

ишлашига қарамай, иттифоқ-
дош ва автоном республика-
лар, автоном областлар ва
оқруглари социал ҳамда иқ-
тисодий ривожлантириш ма-
салалари билан шуғуллану-
чи комиссияда фаол қатна-
шиб, ўз сайловчилари ма-
нафаатларини ҳимоя қилиш
ниятида аналитикларини баён
этидилар. Комиссия эртага
Ўзбекистон ССРнинг план ва
бюджетини батафсил муҳока-
ма қилади.

Мамлакат Олий Совети-
нинг турли комитетлари ва
комиссияларида Ўзбеки-
стондан йигирмадан ортиқ де-
путат доимий ишлаб туриб-
ди. Улар сессия очилишидан
анча аввал Москвада иш
бошлаган эдилар. Ҳозир иш
тартиби айниқса тизиб қўйил-
ди. Аммо ҳамма нарсаси
улар бундай ишга тайёр
эналитикларидан далолат бер-
моқда.

Андижон тиллар педаго-
гика институтининг ректо-
ри, шу областдан СССР халқ
депутати М. И. Умархўнаев
эрталаб учрашувда Анди-
жондаги гидроқазаводи
хусусида СССР Министрлар
Совети Раиси Н. И. Рижков-
га берилган депутат сўрови
тўғрисида маълум қилди.
Иқтисодий жиҳатдан нафли
бўлмаган, экологик ва соци-
ал нуқтан назардан зарарли
бўлган бу корхона ҳамон иш-
лаб турибди. Аҳоли корхона-
ни ёпиш ёки унинг соҳасини
ўзгариштириш тўғрисидаги ма-
салаларни бир неча марта
ўртага қўйганлигига қара-
май, бу масалалар идоравий
жиҳатдан ҳал этилмапти.
Андижонликларнинг ташаб-
бусини парламент группаси
қўллаб-қувватлади ва деяр-
ли барча депутатлар бу сў-
ровга имзо чекдилар.

Учрашув қатнашчилари
бўлган депутатлар мамлакат
парламентида биринчи на-
вабда, шунингдек истиф-
болга мўлжалланган бундан
бўйини иш режалари ҳақида
тапириб бердилар. Сайловчи-
лар берган нақзалар ана шу
режаларнинг асосини таш-
кил этади.

АҚШдан келган меҳмонлар

Флорида штатининг дав-
лат секретари Жим Смит
бошчилигидаги делегация
Ўзбекистон театр арбоблари
ушмоқсининг тақлифига би-
ноан АҚШдан республика-
мизга келди.

Меҳмонлар Тошкентнинг
диққатга сазовор жойлари
билан танишушни В. И. Ле-
нин номи СССР халқлари
дўстлиги саройини бориб кў-
ришдан бошладилар. Шундан
кейин халқ усталари билан
учрашув бўлиб ўтди. Деле-
гация аъзолари ўзбек хона-

донда меҳмон бўлдилар.
Навоий номи опера ва ба-
лет театрида улар учун кон-
церт берилди.

— Вугун қиришга муваф-
фақ бўлган ҳамма нарсаси
гай мактовга лойиқдир, деди
Жим Смит. — Мен бунга жа-
ҳон даражасидаги санъат, де-
ган бўлур эдим.

АҚШдан келган делега-
ция Ўзбекистон ССР Ми-
нистрлар Совети Раисининг
ўринбосари С. У. Султонова
қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ШАРТНОМА ПАХТАДАН ҲАМ ҚИММАТ

ТАЛАБАЛАР ПАХТА ТЕРИМИДА: ЎТТАН ЙИЛЛАРИНИНГ ҲАТОСИ ЭНДИ ҚАЙТАРИЛМАСЛИГИ КЕРАК

миз учун етарли турмуш ш-
артнолари яратиб берадилар.
Худди шу нарса ҳар қандай
теригидан ҳам кўчилади.
Тўғри, армиядан қайтиб кел-
аётган талабаларимиз қишлоқ
хўжалик ишларидан озоқ қи-
линмайдилар — улар бизда 600
кишидан кўпроқ.

Уқиниш тўхтаб — қўймоқчи
эмасмиз. Шаҳарда қоладиган
талабалар оқ мобайнида янги
материалларни ўрганиб ўти-
май, илгари ўтилган дарслар-
ни мустаҳкамлайдилар, факул-
тетларда турли ишларини бажа-
радилар.

— Шавкат Орифонович

лабаларга нисбатан қандай-
дир маъмурий таъсир чорала-
ри қўрилмади!
— Йўқ, ундай бўлмайди. Бу
нарсаси шартномадан ҳам равшан бўлиши
керак: биз теримга 2400 ки-
шини юбориш мажбуриятини
олганмиз, дорилфунуни-
нинг кундузги бўлимида эсе
10 мингга яқин талаба бор.
Ҳозир барча жамоат ташки-
лотларимиз улар ўртасида,
шунингдек ўқитувчилар ўр-
тасида тушуниш ишларини
олиб боришяпти.

Тошкент давлат дорилфуну-
ни партия комитетининг секре-

булишини ва улар хўжаликлар-
да ўз ақлида жўнатилишини
таъминлаймиз. Ҳашарчилар-
нинг ишини ташқил этилик.
Хўжалик эса ишлаш ва яшаш
учун етарли шартно яратиш,
уларни оқватлантириш, маж-
бурий равишда танарфус бўл-
ган чоғда ҳақ тўлаш ва бош-
қа шунга ўхшаш ишларни ба-
жариши керак. Теримда бў-
лишини аниқ муддатга ҳам
қўрсатилган. Талабаларимиз
30 кун давомиди пахтакорлер-
га ёрдам беришди.

— Томирлар шартнома маж-
буриятларини бузган тақдир-
да?

маслигига умид қилмаиз.
Химия факультетининг ик-
кинчи курс талабаси К. Ҳусе-
нов:

— Пахтага боришни хоҳла-
ман ва боришга тайёрман. Мен
ўзим Гиждувон районидан,
пахтакорлар оиласиданман.
Бу йил ҳосил етиштириш жу-
да қийин бўлганлигини ўз кў-
зим билан кўрдим. Шу сабаб-
ли ҳосилни нобуд қилмаслик
учун ҳаракат қилиш зарур.
Ота-оналарим ва ака-укаларим
икки йилдан бери сурункаси
оилавий пудрат асосида иш-
лашмоқда. Уларнинг даромад-
лари кўпайиб бормоқда. Пахта

терими даврида талабалар ҳам
ишлаб қолмоқчи эмон бўлмас-
ми?

Геология факультетининг
учинчи курс талабаси Н. Ри-
пакнов:

— Яқиндагина армиядан
келдим — пахтага бормайман.
Савбодқошларимни қувиб ети-
шим, қилиб кетган дарсларни
ўзлаштиришим керак.

Журналистика факультети-
нинг биринчи курс талабаси
И. Ҳалилов:

— Кўпчилик курсдошларим
пахтага бориш учун тайёрла-
нишмоқда. Пахтакорларга
ёрдамимиз кераклигини яхши
тушунамиз. Бундан ташқари
бир-биримиз билан яхшироқ
танишиб олиш, бир-биримизни
яхшироқ билиш учун аёмоик
имконият бўлади.

Ўзбекистон ССР халқ таъли-
ми кинистригида шун маъ-
луи қилинди:

Тошкент олий ўқув юрталари
32600 нафар талабани пахта
теримида олиб бориш учун
хўжаликлар билан шартнома-
лар тузилган. Талабалар бир
ой давомиди қишлоқ хўжали-
гида турли ишларини бажариш-
лари кўзда тутилган. Яъни,
савбодқошларини йиғиштириб
олишда қатнашган талабалар
пахта теримида боришяпти.
Бунинг учун ўтган йилларнинг
бизга таниш бўлган аянчи
воқеалари — институтдан ҳай-
дашлар, стипендия ва ётоқхо-
налардан мақрум этишлар ва
би чоралар қўрилмади. Пах-
та теримида бора олмайдиган
ёки боришни хоҳламаган тала-
баларга нисбатан ҳам ҳеч қан-
дай чора қўрилмади.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳаси муҳокамада

ЭХТИЁЖЛАР
ҲИСОБГА
ОЛИНМАГАН

Республикада кўпдан бундан тўғрисидаги қонуни лойиҳасининг муҳокама қилиниши бизнинг оғламини аълоларимиз билан бефарқ қолдирмади. Лойиҳа билан таъиниш чинда, бизда унга нисбатан норозилик кайфияти ажузда келди. Сабоби: лойиҳада асосан икки тиллилик (ўзбек ва рус тиллари)нинг илгари сурилган ўзбек тилининг унутилиб кетган ҳақиқатини, маънасини ҳамда қадриятини тиклашга нисбатан қарама-қаршилик вазиятини тусдиради. Биринчи модалда «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ўзбек тилидир» дейилгани ҳолда, лойиҳанинг барча қолган модалларида аслида рус тилига эътибор қўйилган. Масалан, 3, 9, 13, 14, 15, 19, 21, 25, 27 модалларида «Ўзбекистон ССРда муассаса, корхона ва ташкилотларда ҳужжатлар ўзбек тилида ва рус тилида ёзилади» деб кўрсатилган. Шундай экан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши нима кераги бор? Бу ҳалқни аздашнинг ўзгачаси-ку?

Бир сўз билан айтганда лойиҳада республика тўғрисидаги ҳисобга олинмаган ва ҳисобга олинмаган чинлардан. Шундан келиб чиқиб, лойиҳанинг барча модалларида «рус тилида» ибораси олиб ташланиши тарафдоримиз. Тожикистон ССР, Украина ССР, Латвия ССРдагики бизнинг ҳам ўз она тилимиз бўлсин. Яна бир таъкид: раҳбар ходимларнинг ўзбек тилини ўрганишлари зарур қилиб қўйилсин.

К. ХУДОЕРОВА,
Тўйтепа шаҳри.

Р. АКБАРОВ,
Тошкент районидан
К. Маркс номи
колхоз раиси:

— Ҳўжалигимизда колхозчиларимизнинг турмуш шартини яхшилаш, уларнинг бўш вақтларини янада унумли ўтказиш борасида таътилли ишлар амалда олиб борилади. Кўнч кеча колхоздаги 450 дан зиёд хонадонларини газлаштириш ишлари қилинган. Шунингдек, колхозимиз территориясидаги уйларнинг 80 фоизини водопровод суви билан таъминлади. Икки йилда 72 йиллиги кунига 500 кишига мўлжал-

ланган кинотеатр қурилиши ишлари, дастлабки бадий фильмнинг колхозчиларимиз эътиборига ҳавола этилди. 2 минг тонна ситимга эга бўлган ҳолодильник, пиёз қуриғиш чехи, оталар чойхонаси, янги ҳаммом қурилиши ишлари ҳам жадал сураётган билан олиб борилади.

Ана шу ишларга колхозимиз жами 1 миллиондан зиёд маблаг ажратди.

Қишқи мавсумга ҳам тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик. Ҳозирда мавжуд омборларимизга 1000 тоннадан ортиқ олма, узум ва бошқа ҳўл мева-салат сақлашга қўйилди.

Т. МУСАЕВ,
Қалқин районидан
«Хасково» совхоз
директори:

— Энг сўнгги янгиликлардан бири агрохотел комбин-

натидир. Эндилда биз ўзимиз еттиштиратган полиз маҳсулотлари ҳамда ҳўл мева-салат турли хўл компотлар, тузламалар тайёрлаш имконига эга бўлдик.

Мазкур комбинатнинг совхозимиз ишчи-хизматчилари ўз кўчлари билан бунёд этилди. Қурилиш ишларида 11 минг сумлик маблаг сарф этилди.

20 киши меҳнат қилаётган ушбу комбинатда янги кўчларда помидор, томаты ва ширин, тузланган қарам, бодиринг ва бошқалар тайёрланапти. Янриу-

БҮРҶА

СОДИҚЛИК ҚАНИ

Мен туғилиб ўсган Қашқадарё области Китоб районидан истисно қилувчиларнинг аксарияти 2-3 тилини билишади. Оиламизда ўзаро муомала ўзбек— тожик тилларида бўлади. Бу гапларни айтишдан мақсадим шуки, мен ётоқхонада яшаб, меҳнат қилаётган «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бirlашмаси ўзбек тилини иштирокисиз кўн қўриб келаятган корхоналардан ҳисобланади. Ўқинида ишим тушиб бirlашма маъмурияти жойлашган бинога кирдим. Бахаво, ораста хоналарда ўтирган ходимлар орасида тўб аҳоли вакилларини учратмадим ҳисоби. На ўзбекча овоз эшитдим, на ўзбекча ўзгача қўшим тушди. Икки қаватли бионини эгаллаган кадрлар инспектори хоналарида ҳам ўзбеклар йўқ.

Бirlашманинг ишлаб чиқариш участкалари ва цехларини эса миллий ишчиларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекча сўзлашадиган тожиклар, қирғизлар, туркман, қозоқ, қорақалпоқ, қрим татарлар қўлигига қарамасдан партия, комсомол қасаба, совоқ ташкилотлари йиғилишлари фақат рус тилида ўтказилади. Қани бу ерда тилларнинг тенг ҳуқуқлиги? Қани бу ерда маъмуриятда ишлаётган европалик ўртоқларимизнинг байналмилал бўлчи содиқлиги? Бу ҳам етмагандек ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ҳалқ муҳокамасига қўйилган шу кўнларда бirlашманинг кўп тиражи «Ташсельмаш» газетаси саҳифаларида носоғлом, носамимий фикрлар билдирилиб, ўзбек тилининг қамбағаллиги «ихтироз» этилди.

Д. ЖҲРАЕВ.

либ келаятганлиги сир бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам мазкур жумланинг «Раҳбар ходим ўзбек тилини билиши шарт» деб таҳрир қилиниши ўзини оқлайди.

Республикада ўзбеклар аҳолининг 78 фоизини, шу тилда бемалол муомала қила оладиганлар 90 фоизини ташкил этар экан. Шу бонсдан ҳам лойиҳада рус тилига ҳадеб ўрнатиш уруғ бераверлиш шарт эмас, аксинча аҳолининг қолган қисмининг ҳам ўзбек тилини ўзлаштириб олиши учун етарли шароит яратиш зарур.

Н. ДУШАЕВ,
«Анрен ҳақиқати» газетаси ходими.

СССР—умумий уйимиз



ШАРТНОМА БОР-У, ТАЪМИНОТ ЙЎҚ

ТОМЕНЬ ОБЛАСТИ. Ханти-Мансийск миллий округи ҳаритасида яқин-қўнганга Нягань шаҳрининг номини ўрнатмас-дигиз. Бу ерда фақат бир неча ёғоч кўпбалар-у, қурувчиларнинг вагончалари мавжуд эди, холос.

Бугунги кунга келиб, Нягань тобора кўркамлашиб бормоқда. У кундан-кунга ободонлаштирилиб, замонавий шаҳар тусини олаётти.

Бу ерда ўта тезкор суръатларда турар-жой бинолари, социал-маиший мақсадлар учун мўлжалланган турли объектлар бунёд этилмоқда. Шаҳарнинг ҳар хил алоқа ва йўл тармоқлари барпо этилаётти.

Янги шаҳар бунёдкорлари — Ўзбекистондан борган қурувчилардир. Улар ўтган йили 28 минг квадрат метрден ортиқ турар-жой биноларини фойдаланишга топширишди. Ҳар томонлама қулай ушбу квартираларда нефтчиларнинг 700 онлеси ҳовли тўйларини ишончларидир.

Бу йил ҳам қурувчилар 29 минг 147 квадрат метри турар-жой биноларини қуриб, фойдаланишга топшириш ниятида эдилар. Бирок ўтган уч квартал мобайнида бор-йўри 16 минг квадрат метр жой қуриб битказилди, холос.

Бу ўринда гап қурувчиларнинг бўшагини ёки уларнинг ёмон ишлаётганлигига эмас. «Энтоменжилстрой» қурилиш-монтаж поезди коллективининг кўтаринки меҳнат кейфиятига «Ташгорстрой» бirlашмасининг йирик-панелли уйсозлик корхоналари ва «Промстройиндустрия» заводлари ўзлари имозолган шартномалар бўйича таъминлашлари лозим бўлган қурилиш материалларини етказиб бера олмаётганликлари таъсир этмоқда.

У. ҲИҚМАТОВ.



Суратларда: қурувчилар кунда «Энтоменжилстрой» қурилиш-монтаж поезди коллективининг энг яхши ишчилари фахрий ёрлиқлар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар; Виктор Дудкин бошқараётган монтажчилар комплекс бригадаси коллективдаги энг илгори бригадалардан ҳисобланади. Унинг аъзолари Тошкентдаги Қорасув-1, Қўн-

лик, Тошкент трактор заво-ла-ди-4 массвларидаги турар жой биноларини бунёд этишган. Мана тўрт йилдирки, бу аҳил коллектив Няганьдан ишламоқда; Ўзбекистондан борган қурувчиларнинг сайн-ҳаракатлари билан қад рост-лаётган янги турар-жой квар-таллари.

А. КОШКИН (ЎЗАТ) суратлари.

ПУЛ ҚАНЧА ТУРАДИ?

ҲАР БИР КИШИ бунга ҳеч қандай куч-ғайрат сарфламай давлатнинг мингтаб сўм пулини асраб қоллиши мумкин экан. Бунинг учун фақат ўз қўлларингиздан ўтатган пулларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлсангиз бас. Зероки пул узоқ «ишмайди». Масалан, бир сумлик қозғон пулининг «умри» бир йилга ҳам етмайди. Аслида эса шу пулнинг узоқ вақт муомалада бўлиши давлат учун фойдалидир. Чунки пул ҳам пул туради.

Биз банкнотлар нложи борича кўп вақт муомалада «бўлиши»дан манфаатдоримиз. — тушунтиради СССР Давлат банки эмиссия-касса операциалари бошқармаси бошлиғи С. И. Ганичев. — Зероки муомалада бўлган деярли ҳар йилкичи пул билетининг бефарқ муносабат туфайли қандайдир нуқсонга бўлади. Деярли пулни қўлдан тавёрлаш, қайта ҳисоблаш ва ташвиш учун асосан харажатлар, сарфлар, сўнгра эса уларни утилизация қилиш анча ошадди.

Агар қозғон пуллар шикастланган бўлса улар ўзларининг тўлов қийматларини дарҳол йўқотадилар, деб бўлмайди. Эндилда СССР Давлат банки пул билетлари ва тангаларнинг тўловини аниқлашнинг янги қоидаларини белгиллади.

Бу қоидаларнинг фарқи нимада? — Илгари амалда бўлган тартиб вақтида пул билетининг бир қанча белгилари мавжуд эдики, уларнинг бир-йўла сақлиниши пул билетининг тўловлигини белгиларди. Банкнотларда СССР Давлат герби, пулининг қийматини белгилловчи серия ва номер, сўзлар ва рамкалар, барельеф, сувли белгиси, алоқатла бўлиши керак эди. Агар пул билетининг юқорида кўрсатилган белгилари бўлмаса ёки бўёқ тўқилган, қўйган, белгиланган рангини ўзгартирган бўлса, фақат қийматини белгилловчи рақамлар ва ёзувлар сақлиниб қолган тақдирдагина банкда алмаштирилиши мумкин эди. Шунингдек, қийматини белгилловчи рақамлар ва ёзувлар сақлиниб қолган тақдирдагина банкда алмаштирилиши мумкин эди. Алмаш қўшимча қийматини

Янги қоидалар
кучга кирди

— Янги қоидаларга биноан тешиклари, йиртилган, сийқаланган жойлари, доғлари, қалам ёки ситёқ ёзувлари бўлган пул билетлари ҳеч қандай тўқисиз тўлов учун қабул қилинади. Йиртилган ва елимланган қозғон пуллар ҳам фойдаланилади. Бирок бунда пулларнинг айрим қисмлари сўзсиз ягона ўша билетга тегишли бўлиши керак. Шунингдек, рангини ўзгартириб юборувчи бўёвчи модаллар тўқилган, қўйиб шикастланган ва ниҳоят, ҳатто, ўзининг ҳажминини тўла сақламанган пуллар ҳам қабул қилинаверади.

Эндилда ҳар қандай қийматга эга бўлган қозғон пуллар учун тўловнинг умумий ягона белгиси ўрнатилган: амалда ҳар қандай шикастланган, бирок юз томонига билетнинг қийматини билдирувчи сўзлар тўла сақланган қозғон пуллар ҳеч қандай тўқисиз тўлов учун қабул қилинади. Бу билан банк муассасаларида шикаст-

ланган қозғон пулни олдиндан алмаштириш зарурини бар-тараф этилади. Илгари эса бунинг учун анча вақт сарфланарди. Чунки банклар шикастланган пул билетларини одатда ўзларича алмашти-ролмадилар, уларни СССР Давлат банки ҳузуридаги Марказий омборга эксперти-зага юборар эдилар. Оқибатда граждандларнинг асосли шикоятлари пайдо бўларди.

— Сергей Иванович, марҳамат қилиб, тангалар ҳақида бир-ички оғиз тўхтабсангиз. Зероки, улар ҳам тез бўлмасда ҳар ҳолда сийқаланган ёки шикастланган-ку...

Шаклини ўзгартирган, пачоқ бўлган, тешиклан, кесилган, қийшайган, нисбатда шикастланган, қандайдир металл билан қалalayган, олов тасирида шикастланган, қўнградан ва қўнградан тангалар тўлов қийматини йўқотмайди. Бирок бунинг бир шарти бор. Бу тангаларда ўзининг тўла ўлчови ва уларда СССР Давлат герби ҳамда танга-нинг қийматини англатувчи ёзувлар биланидиган бўли-ши керак.

Шунинг ҳам таъкидлашман-ки, тўлов учун қабул қилинган шикастланган пул билетлари ва тангалар туш-ган пул билан бирга банк-ларга топширилади. Бирок бундан кейин муомалага чиқ-майди. Бундай қозғон пуллар ва тангалар тўғрисида деб ҳи-собланади ҳамда ўрни тў-дирилиб, йўқ қилиб ташла-нади.

Яна бир гап бор. Муомала-да бўлган пул билетлари ва тангаларнинг ҳозилиги ва сифати ҳақида қайғурини фа-қат банк муассасаларининг вазифасигина бўлмай балки барча граждандларнинг ҳам ишидир.

А. СУЛЬДИН,
ТАСС мухбири.

БОЛГАРИЯДА
НАШР
ЭТИЛДИ

СОФИЯ, 27 сентябрь. (ТАСС). «Қайта қуришни-нинг ленинчи пешқадалари» — Болгариянинг «Партиздат» нашриёти ана шу номда китоб чиқарди. Китобга КПСС Марказий Комитети Ўзбекистон, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачевнинг 1988 йил июль ойидан 1989 йил февраль-ойига-ча бўлган даврда қилган док-ладлари, нутқлари ва суҳбат-лари кирган.

«Работническо дело» газе-тасининг ўқитиришча, китоб-да қиритилган материаллар-да совет жамаияти олдинда турган долзарб муаммоларни ҳал этишга ижодий ёндашув акс этган, СССРда турмуш-нинг барча соҳаларида рўй бераётган чуқур иқтисодий ўзгаришларнинг асосий йўна-лишлари таърифланган. Бу материалларнинг кўпи инсо-датининг жуда қатти муаммо-ларига бағишланган. Бу му-аммоларнинг энг асосийси тинчликни ҳимоя қилиш му-аммоэидир. Болгария Комму-нист партияси Марказий Комитетининг органи М. С. Горбачев Совет Иттифоқи-нинг ленинча тинчликсевар таъқи сийбатиининг бунёдкор-лик мақсадларини афр ишчи-билан баён этади, деб таъ-кидлайди.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ИТАЛЬЯНЛАР БАНГИЛАР

КўПАЙЁТГАНЛИГИДАН ТАШВИШГА

ТУШМОҚДАЛАР

— РИМ. (ТАСС). «Гиехвандлик XX асрининг вавосидир. Келгуси 100 йилликнинг бошига келиб, агар маъмурилар ва барча граждандлар бир ёқадан бош чиқариб, бангиланин-тарқалишига қарши кураш-масаб ҳалокатли миқёслар касал этиши мумкин».

Италиянинг таниқли биолог олим Роберт Галло шу ҳу-сусда оғохлантирди. Гиех-вандлик СПИД касалига ча-линиши анча осонроқ, деб таъкидлади у.

Гиехвандлик жамят учун асосий иқтисодий хавфдир. Италияда яқинда жамоатчи-лик фикрини билиш учун сў-ров ўтказилганда унда иш-тирок этилганларнинг учдан икки қисми ана шундай фикрни айтди. Матбуотнинг маълумотларига қўра, мам-лакатда ҳозир расмий тар-зда рўйхатга олинган 300 мингдан кўп гиехванд бор. Шу йилнинг олти ойи мобай-нида яна ҳамдан 3,5 минг киши гиехвандлар қаторига қўшилди. Шу давр мобайни-да Италияда наркотик мо-даллар истеъмол қилишдан 600 дан кўпроқ одам ўлди, буларнинг кўпчилиги ёшлар-дир.

ТЕЛТАЙП

НЬЮ-ЙОРК

Қўшма Штатлар Ангولا-даги миллий ярашга ҳамда Йанубий Африка регион-даги вазиятни бартараф-этишга хавф-хатар туғдир-моқдалар, деди матбуот кон-ференциясида. Анголанинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Мануэл Пакавиря у АҚШ ўз мамлакатини ички ишларида ҳамон аралашаёт-ганлигини қоралади. Бундай аралашув мамлакат терри-ториясида иш олиб бораётган УНИТА қўрқувчи бўлима-ларини сийсий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватла-

ҲИНДИСТОНДА НУФУЗ МАСАЛАРИ

ХУСУСИДА КЕНГАШ БЎЛДИ

— ДЕХЛИ. (ТАСС). Бу ерда Ҳиндистонда-ги нуфуз масалаларига бағишланган халқаро кен-гаш бўлди, бу йилда суза-чидан қикқан нотиклар мамла-кат аҳолисининг сонини жуда тез ўсаётгани ва бу ўсишни назорат қилиш юзасидан қў-рилаётган тадбирлар сира натижа бермаётгани хусуси-да яқид бўлиб ташвишлан-гнб гапирдилар. Бир қанча мамлакатларнинг эксперт-лари, ЮНЕСКО, бошқа халқ-аро ташкилотларнинг вакил-лари тилга олган маълумот-лар шундан далолат бериб турибдики, аҳоли шу тариқа ўсаверса, яқин орадаги 50 йил мобайнида Ҳиндистон халқини ҳозирги 700 миллион пайдо бўлмоқда: шаҳарларда ичимлик сув еттишмайди. 2010 йилда эса мамлакат аҳолисининг сонини жиҳатидан Ҳиндистон ҳам ўтиб кетади. Шундай хавф пайдо бўл-моқдаки, ана бирмунча вақт-

дан кейин Ҳиндистон ўзини-ўзи бошпша қодир бўлмай қолади. Аҳолининг ўсиши ҳозирнинг ўзидек социал муаммоларини ҳал этиш юза-сидан ҳукумат қўраётган кўпгина тадбирлар фойда бермаётганини кўрсатиб турибди. Масалан, саводли одамлар қўнайиб бораётгани-га қарамай ўқини ва ёзиш-ни билмайдиганларнинг умум-ий сонини ортмоқда.

Айиниқ шаҳарлардаги аҳоли мушкуллашмоқда. Фа-қат Деҳли шаҳрагини ҳар йили 200 мингга яқин одам қўнб келмоқда. Булар, асо-сан кечги деҳқонлардир. Энди бир парча ер уларни боқа олмай қолган. Аҳоли кўз ўнгиде янги муаммолар пайдо бўлмоқда: шаҳарларда ичимлик сув еттишмайди. Аҳоли қўлгидан санитари-аҳоли қалтиб бўлиб туриб-ди, ошқондо-нчак касаллик-лари кўпаймоқда. Атроф-му-ҳит ифлосланипти.

Фарабундо Марти номли миллий озодлик fronti бир томонлама ўт очини тўхта-тишининг аниқ муддатларига биноан 23 сентябрдан жан-говар ҳаракатлар бошлаши-ни эълон қилди. Исевиқлар-нинг раҳбарлари Сальвадор ҳукумати билан тинч музо-каларал ўтказиш учун қу-лай шароит яратиш мақса-дида ўт очини бир томон-ли тўхтатиш ҳақида илгари маълум қилган эди.

УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

ИККИ-УЧ ойлаб далаларда совуқ демай, ёнгинчилик демай «оқ олтин»нинг «нес-нобуд» бўлишига йўл қўймасдан бир чигитлаб пахта териб юрган пайтларимиз эди. Талабалар ҳар кун турна қатор автобусларнинг келишини кузлари тўрт бўлиб кутишарди. Бундай кезларда домлаларнинг бир ташвишига ўн ташвиш қўшилиди. Сабаби нуфузли раҳбарлар, «халққа хизматини ўтказиб қўйганлар» фарзандларини, укаларини, жияларини курсдошларидан ажратиб, тезроқ уйларида олиб бериш зарариди-га тўшардилар. Домлалар бу ҳаракатларга қўлдан келганча монелик қилиш-га уринарди.

Шундай кунлардан бирида дам олиш кечасини уюштиришга қарор қилдик. Қарандир сими узилган, қаррагиннинг ўрнига оддий тахтача қўйилган рубоб, ҳар қанча қизитган билан овоз бермайдиган доира топилди. Вироз ўйин-кулги

бўлганидан сўнг кимдир домлалардан шеър ўқиб беришни таклиф қилди. Биз, нисбатан ёш домлалар, давранимизга самимий кулгисиз, эрта оқарган сочлари билан фойз киритиб турган устозимиз Мухаммаднориди акага қарадик. Профессор бизнинг мақсадиимизни пайқадилар шекилли, Алишер Навоийнинг газалларидан ўқиб бошлади. Байтлар шу қадар силлиқ ўқилар эдики, кун бўйи чарчаган ўқитувчилар ва талабалар янраб ҳордиқ чиқаришди. Тўғриси айтсан, профессорнинг бу қадар кўп газални ёддан мукамал ўқилиши у қадар тасаввур ҳам қилмасдик. Хуллас, бу кунги ўз онларини соғинган ўқитувчиларнинг кўнглини кўтариб, уларга қувончли дамлар ҳали эди. Бизнинг ёдимизга эса Алишер Навоийнинг қуйидаги байти келди:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,

Онча бўлмай, қабза байрон бўлса,

обод айлагай.

Яқинда Мухаммаднориди Саидовнинг «Шарқ юлдузи» журналича эълон қилган «Уммондан бир қатра» мақоласи бизга бундан бир неча йил аввалги ўша газал кечасини эслатди. Чунки Навоий назминдаги ҳар бир сўзнинг асл маъносини аниқлаш, қўлланиш қонуниятини билиш учун фақат тил тарихини, ёзма адабиёт сирларини билиш етарли эмас экан. Шунинг эълонидан қадрига етиш учун халқимизнинг узок ўтмишини, урф-одатларини, оғзаки ижодидаги но-зик сир-асорини ҳам ағзалаш зарурлигини яна бир бор англадик.

Профессор Мухаммаднориди Саидов ўзбек совет фольклоршунослигининг отаси Ходӣ Зарифовнинг оғзаки ижоди-мизни ўрганиш аъёнларини давом эттирган энг иқтидорли ворисларидан бири. Аввало у Ҳ. Зарифовнинг «Алло-миш» достонини ўрганиш ва таҳлил қи-лаш кераклиги ҳақидаги васитини ба-жариб келмоқда. Жумладан, Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий ҳаётидаги кес-кин сифат ўзгариши ўзининг бадий ифодасини топганини, давлатнинг келиб-чиқиши, қуддорликдан феодализмга ў-тиш босқичи достонда акс этганини иш-ботлади. Катта бобосидан қолган ёш-нинг давлат рамзи экани ва унга Алло-миш, Ёдгоргина эга бўлиши мумкинли-гини далиллади. Олим ҳатто Барчининг бўлгуси турмуш ўртоғига қўйган шарт-ларида унинг давлатни бошқариш қобили-тининг синамоқи бўлганини кўрсатиб берди. Халқимиз тарихига, ота-боболари-мизнинг ҳаётига қизиқиш уйғонган ҳо-зири вазиюда бу тарафдаги илмий ҳуло-

саларнинг аҳамияти янада муҳимлаш-

моқда.

Устознинг «Маликаи Айёр», «Ўзбек достончилигида бадий маҳорат» каби монография йўналишдаги тадқиқотлари-дан тортиб ўнлаб мақолалари халқ оғзаки ижодиининг бадийлигини ўрганишга бағишланган. Эпик ижодиининг мураккаб тури бўлиши достонларнинг жанр хусу-сияти, улардаги туркумлик, қўшалоқ-лаштириш каби назарий масалалар таҳ-лил этилган.

Кейинги пайтларда М. Саидов кўпроқ қадимги даврдаги асотирларни ўр-ганиш билан банд. Бу соҳада илмий ку-затиш ишларини олиб бориш жуда му-раккаб. Чунки «Ўғузнома», «Китоби Далам Қўрқут» каби обидлардаги ҳар бир сўзнинг маъносини синхронлик бил-лаи ўрганиш тинимсиз меҳнат талаб қи-лади. Ўрта Осиё теграсида яшаган халқ-ларнинг ҳаёти, мундариб ҳаётлар, пар-райдилар, ўсимликлар, ранглар, нарс-ларнинг сирини аниқлаш осон эмас. Ана шундай машаққатли меҳнатдан қочма-ган олимгина ўз мақсадида эриша олади.

Профессор М. Саидовни халқимиз ёддан унут бўлган сўз ва тўшунчалар иш-иридан ҳазинага қалит топишга ури-наётган фидойилардан дейиш мумкин. Яқинда устоз 60 ёшга тўндилар. Биз, унинг ҳамкасблари, шоғирдлари ва та-лабалари номидан самимий табриклаб, умринишга янада умр қўшилсин, устоз деймиз!

О. МАДАЕВ,

филология фанлари номзоди, доцент,
Т. СОВИТОВА,
филология фанлари номзоди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Корхоналар, муассасаларнинг раҳбарлари ва граждандар диққатига!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ
КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ИДОРАСИ
ҲУЗУРИДА

Видеотека фаолият кўрсатмоқда

Видеотека фондида ватанимизда ва чет элларда яра-тилган видеофильмлар, шунингдек 1989 йилнинг 1 квар-тали репертуар ахборот программалари мавжуд.

Видеотека ҳар кун, шанба ва яшанбадан ташқари со-ат 10 дан 16.00 гача ишлайди. Танаффус — соат 13 дан 14.00 гача.

Видеокассеталардан фойдаланганлик учун СССР Дав-лат нархлар комитетининг В 83-1987 сонли преискура-тига биноан ҳақ тўланади.

Справкalar учун телефон — 76-96-66.
Адрес: Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 117-уй.

Ўзбекистон ССР халқ таълими министрлиги
ТОШКЕНТДАГИ «КИЗИЛ ТОНГ» ТИҚУВЧИЛИК
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
48-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1989-1990 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиниш Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг ша-ҳарга яқин районларида яшовчи 10-синфин битирган ўқу-вчилар қабул қилинади.

Билим юрти аёллар, болалар ва эркакларнинг устни кийимларини тиқувчи-мотористка, тиқув машиналарига ремонт хизмати кўрсатиш бўйича механиклар, бичиқи-лар тайёрлайди.

10-синфин тамомлаган ўқувчилар 8 ой таълим олади-лар, уларга ойига 70 сўм стипендия тўланади.

Барча ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида ўзлари ишлаб топан меҳнат ҳақининг 50 процентини ола-дилар. Ўқиниш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган битирувчи-ларнинг 10 процентига олий ўқув юртилар ва техникум-ларга ўқинишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртида бадий ҳаваскорлик тўғрисида ва спорт секциялари мавжуд.

Ўқувчилар санаторий-профилаторий ва база корхона-нинг медицина хизматидан фойдаланадилар.

Ўқиниш қириниш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қи-лади: директор номига ариза, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, ме-дицина справкasi, яшаш жойидан ва ота-онасининг ишхо-насидадан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см.), ха-ракте-ристика, таржима ҳол.

Адрес: Тошкент шаҳри, 61-алоқа бўлими, Чехов кў-часи, 5 «а» уй (1, 2, 3, 4, 26-трамвайлар; 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60 э, 71, 80э автобуслар-нинг «Кизил тонг» бирлашмаси) бекати). Телефон — 33-19-24.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА
КАСБАГА ЙўЛЛАШ МАРКАЗИ



ИШГА
ТАКЛИФ
ҚИЛАДИ

Тошкент «Ташстройтранс» транспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг

4-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА

«МАЗ», «НаМАЗ», «Краз» ярим шатакли ва шатакли автомобилларда ишлаш учун «Е» категориясидаги 1, 2, 3 класс ҳайдовчилари.

Уй-жойи бўлмаган ҳайдовчиларга 1,5—2 йил мобайни-да квартира бериш нафолоти мавжуд.

Елғиз кишилар ётоқхонада пропискадан ўтказилади.

4-АТП ҳузурида болалар богчаси, Сирдарё соҳилида пансионат, медицина-санитария қисми мавжуд.

Справкalar ва ишга йўлланмалар олиш юзасидан қуйи-даги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Космо-навтлар проспекти, 6-уй.

Корхоналар ва ташкилот-ларнинг раҳбарлари диққатига!

«Таштотстрой» терри-ториал қурилиш бир-лашмасининг

«ПРОМСТРОИИДУСТРИЯ» БИРЛАШМАСИ

чекланмаган миқдорда буюртмачининг матери-али ҳисобига

металл конструкциялар ва алюминий конструкциялар етказиб бериш юзасидан

1990 ЙИЛГА ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

Адрес: 700100, Тошкент шаҳри, ИТР кўчаси, 7-уй.

КАЛИНИН РАЙОН
РЕМОНТ-ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

«Газ-51», «Газ-52», «Газ-53», «Москвич», УАЗ-469, «ЕРАЗ», «Газ-21» авто-мобиллари

ЖОРИЙ РЕМОНТ ҚИЛАДИ

Адрес: Тошкент обла-сти, Калинин райони, «Хасков» совхоз (134, 163, 182, 185, 189, 190, 470-автобусларнинг «Почта» бекати).

Ташкилотлар, корхоналар ва кооперативларнинг раҳ-барлари диққатига!
СОВЕТ — БРИТАНИА
«АВТОСПОРТ»
«САТРА» ҚУШМА
КОРХОНАСИ

буюртмачининг талабига кўра қайта ускуналанган «ИКАРУС», «АВТОСАН» автобуслари, «АВИА» юк машиналарини, шунингдек бо-ша совет ва чет эл автомо-биллари ва автобусларини

СОТАДИ

Корхона адреси: 119902, Москва шаҳри, Маркс-Энгельс кўчаси, 8-уй. Телекс 111768, 112651, «Авто». Те-лефонлар — 20-28-626, 20-35-430.

«УСАРИЛМ» ЎЗБЕК
МИЛЛИЙ МУАЛЛИФИК
КИНОКОЦЕРТ
ХАМКОРЛИГИ
ЯНГИЕР ШАҲРИДАГИ
«ЦЕЛИНИК»
СТАДИОНИДА
30 СЕНТЯБРЬ СОАТ
17.00 ДА
ХУШОВОЗ ХОНАНДА
Одла КАРИМОВ иштирокида
«ПАРВОЗ»
АНСАМБЛИНИНГ
КОНЦЕРТИ
Билетлар сотилмоқда.

• Ибратли анъаналар •



«Овул» байрами

КПСС Марказий Комите-тининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида ҳамма миллат-ларнинг қадриятларини тик-лаш, уларнинг охтиёжларини тўлароқ қондириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Кўпмиллатли Ўзбекистон-да ҳам бу масалага жиддий эътибор берилмоқда. Рес-публикада турли миллатлар-нинг маданий марказлари ташкил этилиб, уларнинг миллий анъаналари, урф-одатлари тикланмоқда, бош-ка миллатлар билан ўзаро ҳамкорлик, дўстлик мустах-камланмоқда.

Яқинда Коммунистия рай-онидagi «Ленинский путь» колхози марказида қозоқ-ларнинг республика маданий маркази ҳамда республика маданий министрлиги билан ҳамкорликда «Овул» деб номланган миллий байрам тантаналари ўтказилди.

Чимкент областидаги Са-риогач району вакиллари Ўзбекистонда ўтказилаётган бу байрамга 11 та ўтов олиб келдилар. Ҳар бир ўтов



нинг ўринбосари Р. Нишоно-ва очди.

Шундан сўнг, Б. Тўлего-нова ҳамда қозғистонлик санъаткорлар, бадий ҳавас-корлар икросида концерт программаси намойиш этил-ди.

«Овул» байрами тантана-ларида Тошкент обла-сти партия комитетининг секре-тари Э. И. Фозиллов қатнаш-ди.

Дамир ҚОЛДИБОВЕВ, республика қозоқ мада-ний маркази аъзоси.
Суратларда: байрамдан лавҳалар.
А. ЗУФАРОВ суратлари.

ТОШКЕНТЛИК ЎҚУВЧИ ИЖРОСИДА

«Пимпанел» болалар теат-ри Голландияда кенг танил-ган ижодий коллективлардан бири ҳисобланади! Ўзинг ре-пертуарида голланд муаллиф-лари асарлари билан бирга чет эл драматургларини ше-салар ҳам бори.

Театр ўзининг «Еш шаҳ-зода» деб номланган қувноқ спектаклини яқинда тошкен-тлик томошабинларга намо-йиш қилди. Мазкур поста-новка ёшлар театрлари Халқ-аро Тошкент фестивали кун-ларида муваффақият қозон-ди.

Шуниси қувончлики, асар-даги Гул ролини Тошкент хореография билим юртининг ўқувчиси Назил Раҳмонов ижро этди.

ТОШКЕНТЛИК ЎҚУВЧИ ИЖРОСИДА

«Пимпанел» болалар теат-ри Голландияда кенг танил-ган ижодий коллективлардан бири ҳисобланади! Ўзинг ре-пертуарида голланд муаллиф-лари асарлари билан бирга чет эл драматургларини ше-салар ҳам бори.

Театр ўзининг «Еш шаҳ-зода» деб номланган қувноқ спектаклини яқинда тошкен-тлик томошабинларга намо-йиш қилди. Мазкур поста-новка ёшлар театрлари Халқ-аро Тошкент фестивали кун-ларида муваффақият қозон-ди.

Шуниси қувончлики, асар-даги Гул ролини Тошкент хореография билим юртининг ўқувчиси Назил Раҳмонов ижро этди.

ТОШКЕНТЛИК ЎҚУВЧИ ИЖРОСИДА

«Пимпанел» болалар теат-ри Голландияда кенг танил-ган ижодий коллективлардан бири ҳисобланади! Ўзинг ре-пертуарида голланд муаллиф-лари асарлари билан бирга чет эл драматургларини ше-салар ҳам бори.

Театр ўзининг «Еш шаҳ-зода» деб номланган қувноқ спектаклини яқинда тошкен-тлик томошабинларга намо-йиш қилди. Мазкур поста-новка ёшлар театрлари Халқ-аро Тошкент фестивали кун-ларида муваффақият қозон-ди.

Шуниси қувончлики, асар-даги Гул ролини Тошкент хореография билим юртининг ўқувчиси Назил Раҳмонов ижро этди.

ТОШКЕНТЛИК ЎҚУВЧИ ИЖРОСИДА

«Пимпанел» болалар теат-ри Голландияда кенг танил-ган ижодий коллективлардан бири ҳисобланади! Ўзинг ре-пертуарида голланд муаллиф-лари асарлари билан бирга чет эл драматургларини ше-салар ҳам бори.

Театр ўзининг «Еш шаҳ-зода» деб номланган қувноқ спектаклини яқинда тошкен-тлик томошабинларга намо-йиш қилди. Мазкур поста-новка ёшлар театрлари Халқ-аро Тошкент фестивали кун-ларида муваффақият қозон-ди.

Шуниси қувончлики, асар-даги Гул ролини Тошкент хореография билим юртининг ўқувчиси Назил Раҳмонов ижро этди.

ТОШКЕНТЛИК ЎҚУВЧИ ИЖРОСИДА

«Пимпанел» болалар теат-ри Голландияда кенг танил-ган ижодий коллективлардан бири ҳисобланади! Ўзинг ре-пертуарида голланд муаллиф-лари асарлари билан бирга чет эл драматургларини ше-салар ҳам бори.

Театр ўзининг «Еш шаҳ-зода» деб номланган қувноқ спектаклини яқинда тошкен-тлик томошабинларга намо-йиш қилди. Мазкур поста-новка ёшлар театрлари Халқ-аро Тошкент фестивали кун-ларида муваффақият қозон-ди.

ЛИТВА ҚАҲРАМОНИ МУЗЕЙИ

Литва халқининг асл фар-занди Марти Мелишкискийтнинг номи мемориалларида яхши та-ниш. Улар Ватан урушининг ўша оловли йилларида у мард-лик намуналарини кўрсатиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони де-ган юксак унвонига сазовор бўлган эди.

Масур жангчи Литва ССР-нинг Зарасай шаҳрида туғи-либ воғла етган эди. Тошкент-даги 220-мактаб ўқувчилари ана шу шаҳар болалари билан яқин алоқа боғлаган. Ушбу билим маскани эса қаҳрамон М. Мелишкискийт номи билан аталмоқда.

Педагогик коллектив ва ўқувчилар ташаббуси билан мактабда Литва халқининг мард ёлони номида музей очилди.

Музейда бўлган кунинг унинг ҳаёт йўлига доир кўпгина ҳуж-жатлар билан танишилади.

Улар Ватан уруши йилларида кўрсатган қаҳрамонлигини ўзи-да акс эттирган экспонатлар ҳам кўпчилики эътиборини ўзи-га тортмоқда.

Музейнинг «Эпкин» лектор-лар гуруҳи йўли билан эса қардош Литвада бўлган киши-ларнинг қизиқарли суҳбатлари уюштирилмоқда.

«Спутник» ёшлар туризми бюроси йўл-ламаси билан мактаб ўқувчи-ларидан бир нечаси Вильнюс ва Зарасай шаҳарларига бориб, қизқарли суҳбатларда бўли-лар.

А. АЛИЕВ.

ОТАЛИҚ
ТАШКИЛОТ
ЁРДАМИ

Пойтахтнинг Ленин райо-нидаги 506-болалар богчаси коллективи «Ташкимсель-маш» заводининг оталиқ ёр-дамидан мамнун. Бу йил тар-бия муассасаси сифатли ре-монтдан чиқарилиб, унинг ўйин майдончалари янада обод бўлди. Булар учун за-вод етарли миқдорда маб-лағ ажратди.

Богча ҳовлисида «Эртал-лар шаҳарчаси» бунёд этил-ди. Ундаги барча қурилиш ишларини оталиқ ташкилот ўз зиммасига олди.

С. ОДИЛОВА.

ТОШКЕНТ
ХАҚИКАТИ
(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КҮ.
ЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БУЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; саноят, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325566; мада-нийят — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325654; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Р. — 05145.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмагонаси, Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. Б. — 1694. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12